

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 4-may, shanba № 33 (15671)

Navqiron avlod so'zi

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!

Мен Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида таълим оламан. Ушбу нуфузли таълим даргоҳи пойтахтимизда 2009 йилда ташкил этилган. Маълумки, ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда мулақо янги автомобилсозлик саноати қарор топди. Ушбу соҳанинг ривожини ва кейинги истиқболи учун юртимизда малакали кадрларни тайёрлаш долзарб масалалар. Шу жиҳатдан, юртимизда фаолият кўрсатаётган Турин политехника университетининг бош вазифаси этиб олий таълим сифатига қўйиладиган халқаро талаблар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад-вазифаларига мувофиқ, машинасозлик ва электротехника саноати, энергетика, саноат ва ҳўжалик объектларини лойиҳалаштириш ҳамда қурилиш корхона-ташкilotлари учун юқори малакали, замонавий мутахассислар етказиб бериш белгиланди.

Талабалар назарий билимларини амалиётда мустақамлашлари учун университет қошида махсус лабораториялар ва технопарк ташкил этилган. Улар хориждан келтирилган сўнгги русумдаги компьютерлар, лазерли сканер, 3D принтер, сейсмологик синов қурилмаси, двигател конструкцияларининг деталлари, иншоотларни лойиҳалаштиришда ёрдам берадиган универсал робот, замонавий чилангарлик ва фрезерлик дастгоҳлари, рақамли планшетлар ва бошқа асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида ўрта Осиёда ягона бўлган мехатроника маркази мавжуд. Мехатроника деганда, барча турдаги автоматлашган тизимлар тушунилади. Бугунги кунда мехатрон тизимлар автомобилсозлик, авиасозлик, тиббиёт, енгил саноат, космонавтика ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда.

Талабаларга мехатрониканинг тўққиз йўналиши бўйича дарс ўтилади. Бундан ташқари, йирик саноат корхоналарининг узлуксиз ишлаб туриши, уларга керакли кадрларни тайёрлашда ва малакасини оширишда ҳам яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Масалан, яқинда ушбу марказда «General Motors Power Train Uzbekistan» мотор ишлаб чиқариш корхонаси мутахассислари учун ўқувлар ташкил қилинган эди.

Таълим жараёнида марказда турли саноат корхоналаридаги техник носозликларни бартараф этиш бўйича ишлар олиб борилади. Шу кунга қадар Андижондаги «ЎзХанГу», «Кўнғирот сода заводи» каби корхоналар учун ана шундай буюртмалар бажарилди.

Мехатроника марказида биз ўқишдан бўш вақтда ўз лойиҳаларимиз устида изланишлар олиб борамиз. Бугунги кунга қадар марказда кўпгина инновацион лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Шулардан бири — овоз орқали масофадан бошқариладиган робот. Тўғри, дунёда бунга қадар ҳам овоз орқали бошқариладиган роботлар яратилган. Лекин улар, асосан, инглиз, немис, япон тилларида берилган топшириқларни бажаришга мосланган. Бизнинг робот эса, ўзбек тилини ҳам тушунади.

Роботлар ҳақида гап борганида, одатда, Япония, Германия, АҚШ каби мамлакатларни бу соҳадаги илғор давлатлар қаторида тилга оламиз. Аммо юртимиз ёшлари томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар уларникидан асло кам эмас. Ишонмасангиз, университетимизга келиб кўринг. Мен муҳтарам Юртбошимизнинг: «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз ҳам», — деган гапларини ҳаммаша ўйлаб юраман. Ҳақ гап — биз ҳеч кимдан қолишмаймиз. Буни ҳаётимизнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Мен Ўзбекистоннинг фарзанди эканимдан, шундай жаннатмакон юртда яшаб, таълим олаётганимдан фахрланаман.

Олимжон ТҲЙЧИЕВ,
Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети 3-курс талабаси



Сардор Муллажонов фотокўллами

Kelajakka qadam

Буюк мақсадларга пойдевор

Пойтахтимизда ёшлар учун «Мутахассислик сайли» бўлиб ўтмоқда

Ҳар бир йигит-қизнинг замон талаблари асосида таълим олиши мамлакат келажagini белгилайди. Бу дегани — миллионлаб ёшлар маълумотли бўлади, дегани. Бироқ ўз олдида буюк мақсадларни қўйган юрт учун шунинг ўзи кифоями? Албатта, йўқ. Олган билимларини амалиётда қўллаш, бошқача айтганда, илмий салоҳиятини муайян соҳа раванқига сафарбар этиш ҳам гоёт муҳим. Бунда ёшларнинг ўзлари севган касбни танлашлари, ўзлари истаган иш билан машғул бўлишлари, ўзларини ижтимоий муҳофазада эканликларини тўлақонли ҳис этишлари муҳим аҳамиятга эга.

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида «Биз Президент фарзандларимиз!» шиори остида ташкил этилган «Мутахассислик сайли» — касб-хўнара коллежларини битираётган ёшларни, шунингдек, аҳолининг доимий иш билан банд бўлмаган қис-

мини иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чоратadbирлардан бири бўлди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши, Тошкент шаҳар прокуратураси, ўрта махсус, касб-хўнара

таълими бошқармаси ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида уюштирилган «Мутахассислик сайли»да ёшлар пойтахтимиздаги олий таълим муассасалари, юртимизда фаолият олиб бораётган

хорижий олий таълим муассасаларидаги ихтисосликлар билан танишдилар. Тадбирда, шунингдек, Тошкентдаги 118 та ўрта махсус, касб-хўнара таълими муассасаси битирувчилари ва пойтахт маҳаллаларида яшовчи ёшлар Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ўтказилган «Бўш иш ўринлари» меҳнат ярмаркасида ҳам иштирок этиб, пойтахтимиздаги мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумот олдилар.

(Давоми 8-бетда)

ИЖОД ЭРКИНЛИГИ ВА МАСЪУЛИЯТ МУШТАРАК

«Олтин қалам» VIII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорлари тақдирланди

«Туркистон» саройида журналистика соҳасида «Олтин қалам» VIII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари вакиллари, фахрий журналистлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, мазкур танлов ташкилий кўмитаси раиси Ш.Фуломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Муҳаммадиев ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, одамларнинг ҳаётга, меҳнатга муносабатини ўзгартириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш ва ёшлар маънавиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик

жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоялар асосида ахборот соҳасига доир қонунчилик тизими изчил такомиллаштирилмоқда. Бу оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва мат-

буот тарқатувчи ташкилотларга кўплаб имтиёзлар берилиб, янада қулай шарт-шароитлар яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти ҳам ана шундай рағбат ва эътиборнинг амалдаги ифодасидир. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва «Uzreport» ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилаётган мазкур аънавий танлов касбига садоқат, маънавий жасорат ва Ватанга муҳаббат билан ижод қилаётган журналистлар меҳнатини қадрлашда муҳим омил бўлаётди.

Ижодий беллашувнинг мавқеи, қамрови йил сайин кенгаймоқда. Бугунгача ўтказилган етти танловда 181 нафар журналист асосий ва рағбат-

лантирувчи мукофотларга сазовор бўлди. «Олтин қалам» VIII Миллий мукофоти учун танловда 410 нафар журналист қарийб 6400 ижодий иши билан қатнашди.

Ғолибларни тақдирлаш, танловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан молиялаштирилди.

Танловнинг Бош миллий мукофотини қўлга киритган «Самарқанд — СТВ» телевизион ижодий уюшмаси махсус диплом, «Олтин қалам» кўрак нишони, статуэткаси ва мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

— Мамлакатимизда нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи тобора кенгайиб бормоқда, — дейди «Самарқанд — СТВ» телевизион ижодий уюшмаси директори Аъзамжон Салоҳиддинов. — Хусусан, бугунги кунда теле ва радиоканалларнинг 66 фоизи, босма нашрларнинг эса 50

фоиздан зиёдини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этмоқда. «Олтин қалам»дек нуфузли танловнинг Бош миллий мукофоти бизга берилиши ҳам юртимизда нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, ахборот соҳасини демократлаштириш, жамиятимизда фикрлар ранг-баранглигини таъминлашга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги яққол ифодасидир.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича совриндорлари ҳам диплом, «Олтин қалам» кўрак нишони, статуэткаси ва пул мукофотлари билан тақдирланди. Тадбирда БМТ, ЮНЕСКО, ЕХХТ, Жаҳон банки, «Минтақавий мулоқот» (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири

ЖУРНАЛИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ ЯНГИ ШАКЛИ

Пойтахтимиздаги «Бунёдкор» ёшлар мультимедиа телекомплексида мамлакатимиз электрон оммавий ахборот воситаларининг журналистлари ва техник ходимлари учун Ўзбекистонда дастлабки «On-line тренинг-марказ»нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Лойиҳа «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан амалга оширилмоқда. Тадбирда халқаро ташкилотлар, тегишли идоралар, жамоат ва ижодий ташкилотлар вакиллари, хорижлик экспертлар, мамлакатимиз нодавлат телерадиоканалларининг ижодий ҳамда техник ходимлари қатнашди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Васийлик кенгаши раиси Г.Каримова, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдуҳолиқов ва бошқалар «On-line тренинг-марказ»лар энг сўнгги мультимедиа воситаларидан фойдаланган ҳолда, замонавий журналистикани ўргатишнинг янги шаклига айланишини таъкидлади.

Оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш мамлакатимизни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишнинг муҳим шартларидан биридир. Президентимиз

Ислон Каримов раҳнамолигида ахборот соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсати жамиятнинг сиёсий ва маънавий ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг ролини оширишга қаратилган. Журналистларни қўллаб-қувватлаш, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун халқаро стандартларга мос шароит ҳамда имкониятлар яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, нодавлат электрон медиа-тармоққа замонавий рақамли ва мультимедиа технологияларини жорий этишга доир кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги ишларга

нодавлат ташкилотлар, хусусан, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси салмоқли ҳисса қўшмоқда. 2008 йилдан буён улар томонидан оммавий ахборот воситалари соҳасида иқтидорли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган ёшлар медиа-лойиҳалари ҳамкорликда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудидан нодавлат телерадиостанциялар ҳузурида ёшлар телестудиялари очилмоқда, семинар-тренинглар ва маҳорат сабоқлари мунтазам ўтказилмоқда. Ўзбекистоннинг барча жойидан иқтидорли ёшларни бир жойда тўплайдиган медиа-оромгоҳлар ташкил этилмоқда. Машғулотларни ўтказиш учун чет элик етакчи экспертлар, юқори малакали журналистлар, оператор ва режиссёрлар жалб этилмоқда. Ёш истеъодли журналистларни қўллаб-қувватлаш ишларини мувофиқлаштириш мақсадида Ёшлар медиа-кенгаши ташкил қилинди.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги оммавий ахборот воситалари, ўқувчи-ёшларга журналистика бўйича назарий билимларни масофадан туриб эгаллаш ва

уларни ўзининг кейинги фаолиятида мустаҳкамлаш имконини берадиган ноёб тренинг-марказлар тармоғининг ташкил этилиши «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг навбатдаги лойиҳасидир. Ёш журналистларнинг интерфаол мулоқот қилиши учун мунтазам фаолият кўрсатадиган медиа майдонни ташкил этиш, олис масофадан туриб, он-лайн режимида семинарлар ўтказиш, шунингдек, ёшлар телестудиялари ходимларини янги медиа ҳамда интернет технологиялари билан таништиришга қаратилган ушбу лойиҳа «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилмоқда.

«On-line тренинг-марказ»лар — бу Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятда ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш студияларидир. Улар юқори аниқлик билан ишлайдиган аудио ва видеоускуналар, видеокамералар ва аудио-аппаратуралари ҳамда бошқа техника билан жиҳозланмоқда. Бутун мамлакатимизни қамраб оладиган ушбу ягона медиа-майдонда локал тренинг ва семинарлар, жойлардаги

ёш журналистларнинг билими ҳамда малакасини ошириш учун мавзуга оид ўқув фильмлари намойиши, ҳудудий медиа-кенгашлар йиғилишлари ўтказилади. Келажакда бошқа мамлакатлар билан ҳам он-лайн-конференц-алоқа ўрнатиш режалаштирилмоқда. Бу эса ўзбекистонлик журналистларга хорижлик ҳамкасблари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имконини беради.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), ЮНЕСКО, Конрад Аденауэр номидаги жамғарма ваколатхонаси ҳамда бошқа кўплаб ташкилотлар мазкур лойиҳани ҳаётга татбиқ этишда ҳамкорлар ҳисобланади.

— «On-line тренинг-марказ» бош офисининг очилиши Жаҳон матбуот эркинлиги кунига тўғри келганида катта рамзий маъно бор, — дейди «Минтақавий мулоқот» халқаро нодавлат ташкилоти фили-

алининг директори Мюша Север (Словения). — Ташкил этилаётган ушбу медиа-майдон Ўзбекистонда журналистикани ривожлантиришнинг янги қирраларини очиб беради. Журналистика соҳасига халқаро экспертларнинг жалб этилиши уларнинг маҳорат ва тажрибасини ўрганишга кўмаклашади. Бугунги тадбирда улар ҳам қатнашмоқда.

Тадбир давомида Бухоро, Қарши, Қўқон, Марғилон, Навоий, Самарқанд, Термиз ва Тўртқўлдаги ҳудудий студиялар билан телекўприк ўрнатилди. Бу ҳудудларда яшаётган йигит-қизлар, шунингдек, у ердаги халқаро экспертлар телестудиялар фаолияти ҳақида ўз фикрларини билдирди, ижодий ютуқ ҳамда муваффақиятлар ҳақида сўзлаб берди. Масалан, Самарқанд ёшлар телестудияси вакиллари СТВ каналидаги ёшлар телеклубини тақдим этди. «CFI» телеканалнинг Навоий вилоятида меҳмон бўлиб турган халқаро эксперти, продюсер ва режиссёр Региз Гезельбаш (Франция) «Forum-TV» телеканали билан ҳамкорликда «Асрлар садоси» фестивали ҳақида суратга олинаётган ҳужжатли фильм хусусида сўзлаб берди.

Тадбир якунида иштирокчилар рақамли телекўрсатувларнинг янги босқичига ўтган «NTT» ва «Forum-TV» телеканалларининг янгиланган эфир студиялари билан танишдилар.

С.ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири



Гўзаллик ва шижоат соҳибалари

Тошкент шаҳридаги Рус академик драма театрида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши, Ўзбекистон шарқ якка курашлари ва жанг санъатини ривожлантириш маркази ҳамкорлигида «Тўмарис — спорт маликаси» мусобақасининг республика босқичи ўтказилди. Унда ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, жисмоний тайёргарлиги билан тенгдошларига намуна бўлаётган қизлар майдонга чиқишди.

Жанговар спорт турлари билан шуғулланаётган қизлар танишув, гулдаста тайёрлаш, рақс ҳамда ўзбек жанг санъати, каратэ, таэквондо, дзюдо, ушу бўйича сахна кўриниши каби шартлар асосида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

— Танловнинг саралаш босқичларида шарқ яккакурашлари билан шуғулланувчи 14-18 ёшгача бўлган икки юз эллиқдан ортиқ қиз иштирок этди, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши бўлим мудир Умид Ражабов. — Финалга эса тўққиз иштирокчи етиб келди.

Ўзига хос шоу-дастур асосида бўлиб ўтган танловнинг илк босқичида иштирокчилар видеороликлар ёрдами-

да таништириб ўтилди. Бу эса томошабинларнинг спортчи қизлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишини таъминлади. Иштирокчилар иккинчи шартда қайси

рангдаги гул қандай тантана ва маросимга мос келишига қараб гулдасталар тайёрлашди. Спортчи қизлар ўзига хос рақсларни ижро этишди. Сўнгги — спорт техникаси намойиши шарти томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Спортда эришилган ҳар бир галаба меҳнат, ирода, сабр-тоқат натижасидир. Танлов шартларини енгиб ўтишда ҳам ана шу уч омил зарур бўлди. Дзюдо бўйича етти карра Ўзбекистон чемпиони Ҳилола Бадалова меҳнаткаш, матонатли қизлардан. У спорт билан биргаликда бичиш-тикиш билан ҳам шуғулланади.

— Қиз бола ўрганиши зарур бўлган хунарлардан бири — бичиш-тикиш, —

дейди Ҳилола. — Шу сабаб тикувчиликни ҳам яхшигина ўзлаштириб олганман. Спорт менга кучли ва иродали бўлишни ҳамда доимо меҳнат қилишни ўргатди.

Қизиқarli ўтган танловнинг «маликаси» Ҳилола Бадалова бўлди. Биринчи ўринни эса Карина Тошхоннова эгаллади. Шунингдек, учта «Умид» соврини ҳамда «Нафосатли малика», «Латофатли малика», «Мухлислар меҳрини қозонган малика», «Назокатли малика» номинациялари голиблари ҳам эълон қилиниб, тақдирланди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири.

Сардор Муллажонов олган суратлар



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси ва Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг

АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 мартдаги 57-сонли баёни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури»нинг 32-бандида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ёш олимлар ва талабаларнинг **XXI аср — интеллектуал авлод асри**» шиори остидаги ҳудудий ва республика илмий-амалий конференциялари ўтказилади.

Ҳудудий конференцияларни ўтказиш манзили ва вақти куйидагича:

— Андижон давлат университетида (Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари учун) — 2013 йил 4-5 июнь кунлари;

— Бухоро давлат университетида (Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари учун) — 2013 йил 7-8 июнь кунлари;

— Гулистон давлат университетида (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари учун) — 2013 йил 10-11 июнь кунлари;

— Тошкент давлат педагогика университетида (Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри учун) — 2013 йил 12-13 июнь кунлари;

— Урганч давлат университетида (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун) — 2013 йил 13-14 июнь кунлари;

— Қарши давлат университетида (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари учун) — 2013 йил 17-18 июнь кунлари.

«XXI аср — интеллектуал авлод асри» шиори остидаги республика илмий-амалий конференцияси 2013 йил 28-29 ноябрь кунлари Термиз давлат университетида ўтказилади.

Конференциянинг мақсади:

Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар модернизацияси борасида амалга оширилаётган туб ислохотлар самарадорлигини ошириш, мамлакатимиз тараққиётини таъминлашга ёшларни кенг жалб этиш, уларнинг иқтидори, илмий салоҳияти ва шижоатидан унум-

ли фойдаланиш ҳамда замонавий техника ва технология, ахборот-коммуникацион маданиятини пухта ўзлаштирган, мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган билимли, етук ёш олимларни тарбиялашга кўмаклашиш, улар ўртасида ҳамкорлик муҳитини ривожлантириш, илмий фаолиятини кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.

Ҳудудий ва республика конференцияларида куйидаги йўналишлар (секциялар) бўйича иш олиб борилади:

1-секция: ижтимоий-гуманитар фанлар.

2-секция: табиий фанлар.

3-секция: аниқ фанлар.

Конференцияда иштирок этиш учун талабнома ва конференция материаллари тўпламига илмий мақола тақдим этиш зарур.

Ҳудудий конференцияларда илмий мақолалар куйидаги муддатларгача қабул қилинади:

— Андижон давлат университетида — 2013 йил 18 май кунигача;

— Бухоро давлат университетида — 2013 йил 20 май кунигача;

— Гулистон давлат университетида — 2013 йил 22 май кунигача;

— Тошкент давлат педагогика университетида — 2013 йил 23 май кунигача;

— Урганч давлат университетида — 2013 йил 24 май кунигача;

— Қарши давлат университетида — 2013 йил 27 май кунигача.

Конференция материаллари тўпламига илмий мақолалар учун талаблар:

— илмий мақолалар конференция йўналишларига оид долзарб мавзуларда, илмий таҳлил ва тугалланган фикрлар асосида, тегишли таклиф ва тавсиялар билан тақдим этилиши лозим;

— тақдим этилаётган илмий мақолалар соҳа бўйича етук мутахасссларнинг камид битта тақризи билан қабул қилинади;

— муаллиф ҳақидаги маълумотнома (объективка) ва муаллифнинг паспорт

нухаси тақдим этилади;

— ҳудудий илмий-амалий конференцияда қатнашиш бўйича муаллифнинг фамилия, исми ва шарифи, мақола номи, конференция йўналиши (секция), ташкилот номи, лавозими, хизмат манзили, телефон, факс ҳамда электрон почта манзиллари кўрсатилган талабнома бўлиши зарур;

— конференция материаллари ўзбек, инглиз ва рус тилларида тақдим этилиши мумкин;

— илмий мақолалар матнлари таҳрир қилинган ҳолда А4 катталиқдаги қоғозга, юқоридан ва пастдан 2,5 сантиметр, чапдан 3 сантиметр, ўнгдан 1 сантиметр жой қолдириб, 1 нусхада расмийлаштирилади. Мақоланинг номи, 1,5 интервалдан сўнг муаллифнинг исми ва отасининг исми ҳамда фамилияси бош ҳарфларда ёзилади, 1 интервалдан кейин ташкилот ва шаҳар номи кўрсатилади. Сўнгра 1,5 интервал қолдирилиб, матннинг мазмуни 1,0 интервалли қаторларда ёзилади. Матннинг электрон нухаси MS Word дастурида, Times New Roman шрифтида, 12 кегел катталиқда бўлиши ва 4 бетдан ошмаслиги лозим. Электрон нухаси диск ёки флешкага ёзилган ҳолда юборилади ёки электрон почтадан жўнатилади.

Конференция Ташкилий қўмитаси илмий мақолаларни таҳрир қилиш ва саралаш ҳуқуқига эга.

КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЮБОРИШ ҲАМДА МАЪЛУМОТ ОЛИШ МАНЗИЛЛАРИ:

Андижон давлат университети —
Андижон шаҳри Университет кўчаси,
129-уй (индекс 170100), тел.: (8 374)
222-30-62, (8 374) 222-31-91,
факс: (8 374) 222-18-63.

Электрон почта:
anddu_anjuman@inbox.uz
Масъул: Алиев Раимжон Усмонович,
тел.: (8 374) 222-30-62

Бухоро давлат университети — Бухоро шаҳри М.Иқбол кўчаси, 11-уй (индекс 200100), тел.: (8 365) 223-65-94, факс: (8 365) 223-12-54.

Электрон почта:
buxdu_anjuman@inbox.uz
Масъул: Қаҳҳоров Сиддиқ Қаҳҳорович,
тел.: (8 365) 223-01-70

Гулистон давлат университети —
Гулистон шаҳри 4-мавзе (индекс 120100), тел.: (8 367) 225-02-75,
(8 367) 225-36-45, (8 367) 225-38-01,
факс: (8 367) 225-40-42.

Электрон почта:
guldu_anjuman@inbox.uz
Масъул: Сулаймонов Амалиддин Нурбоевич,
тел.: (8 367) 225-38-01

Тошкент давлат педагогика университети — Тошкент шаҳри Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй (индекс 100100), тел.: (8 371) 255-50-95,
(8 371) 252-68-56, факс: (8 371) 215-54-18.

Электрон почта: tdpu_anjuman@inbox.uz
Масъул: Абдуазимов Азизжон Абдусобирович,
тел.: (8 371) 255-50-95

Урганч давлат университети — Урганч шаҳри Ҳ.Олимжон кўчаси 14-уй (индекс 220100), тел.: (8 362) 226-35-67,
факс: (8 362) 226-17-39.

Электрон почта:
urgdu_anjuman@inbox.uz
Масъул: Давлетов Санжар Ражаббоевич,
тел.: (8 362) 226-16-74

Қарши давлат университети — Қарши шаҳри Кўчабоғ кўчаси, 17-уй (индекс 180103), тел.: (8 375) 225-34-13,
(8 375) 225-62-89,
факс: (8 375) 225-57-01.

Электрон почта:
qarshidu_anjuman@inbox.uz
Масъул: Ёзиев Лутфулла Ҳабибуллаевич,
тел.: (8 375) 225-62-89

Тўғаракларда қизиқарли машғулотлар

Shunday markaz bor

Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази фаолияти билан танишиб, очиги, қойил қолдик. Марказда тўртта: бичиш-тикиш, экология ва саломатлик, компьютер сабоқлари ҳамда спорт тўғараги фаолият кўрсатади. Тўғри, марказ биноси бироз таъмирталаб, бироқ бу ердаги тўғараклар йил бўйи ёшларга хизмат қилишдан тўхтамайди, йил — ўн икки ой ўқувчилар билан гавжум.

— Марказимиз 2007 йилда ишга тушган, — дейди «Камолот» ЁИХ Шовот тумани қошидаги ЁИХМ координатори Улфат Холмуродова. — Тўғаракларни ёшларнинг қизиқишига қараб ташкил қилганмиз. Ҳар бир тўғаракда машғулотлар икки сменада: эрталаб ва тушдан кейин олиб борилади. Тўғараклар уч ойлик. Гуруҳларда 20-25 нафардан ўқувчи бор. Шу йилнинг дастлабки чорагида марказда 133 нафар ёш касб-хунар ўрганди. Тўғаракларга ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ҳамда ички ишлар бўлимлари ҳисобида турган вояга етмаганларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратамиз. Ҳар йили марказда жами 426 нафар ёш машғулотларга қатнашган бўлса, шулардан 56 нафари кам таъминланган оила фарзанди, 15 нафари эса, ВЕН ҳисобида турган ёшлардир.

«Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази ходимлари ҳар ўқув йилининг бошида тумандаги барча таълим муассасаси-

лари ҳамда маҳаллаларда тарғибот тадбирларини ўтказишади. Ёшларга марказда мавжуд тўғараклар, яратилган шароитлар ҳамда уларга ёзилиш тартиблари ҳақида маълумот беришади. Шароитлар эса, ёмон эмас. Спорт тўғарагини олайлик. Бу ерда йигит-қизлар учун тренажёр зали ташкил қилинган. Барча жиҳозлар шай.

— Туманда бир-биридан олис масофада жойлашган мактаблар ва касб-хунар коллежлари бор, — дея сўзида давом этади Улфат Холмуродова. — Ушбу таълим муассасаларида ўқиётган ёшлар йўл узоклик қилгани боис, ЁИХМга қатнашга қийналишади. Биз билан учрашувларда, тўғаракларни мактаб ёки коллежизмининг ўзида очинглар, деб кўп бора илтимос қилишган. Ушбу тақлифларни инobatга олиб, келаси ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларида кўчма тўғараклар фаолиятини йўлга қўймоқчимиз.

Тикув машиналарининг овозини эшитиб, бичиш-тикиш

тўғараги хонасига кирдик. Ҳаммаёқ ораста, хонани қизлар тиккан либос намуналаридан иборат кўргазма бежаб турарди.

— Ҳозир тўғаракда 21 нафар қиз шуғулланыпти, — дейди тўғарак раҳбари Каромат Холмуродова. — Эрталаб маҳаллалардаги ва коллежларда таҳсил олаётган ёшлар, тушдан кейин мактаб ўқувчилари келади. Уч ой давомида ўқувчиларимиз чойшаб, кўрпа жилдларидан тортиб, гўдаклар учун кийимлар жамланмаси, аёллар халати, эркаклар кўйлаги, костюм-шим бичиб-тикишни ўрганишади. Қизларнинг талабига биноан парда тикиш бўйича қўшимча машғулотлар ҳам ташкил қилганмиз. Тўғаракка қатнаган шогирдларимнинг аксарияти ҳозир уйда тикувчилик қилиб ёки тикув фабрикалари, хусусий корхоналарга ишга жойлашиб, эгаллаган хунари ортдан рўзгор тебратяпти. Тўғарак аъзоларининг ишлари туманда ўтказилувчи турли байрам тадбирларида кўргазмага қўйилади, ўзимиз ҳам шундай кўргазмаларни тез-тез ташкиллаштириб тураемиз.

Экология ва саломатлик тўғараги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказида нисбатан янги тўғаракдир. У «Ёш оила» тўғарагининг негизиде ташкил этилган. Тўғарак аъзоларининг аксарияти мактаб ўқувчиларидан иборат. Улар



деярли ҳар куни дарсдан кейин марказга келиб, устозлари Ҳилола Бекжонова ёрдамида экология ва соғлом турмуш тарзига доир билимларини бойитишади.

— Шовот тумани «Камалак» болалар ташкилотининг спорт, саломатлик ва экология йўналиши сардорлари билан яқиндан ҳамкорликда ишлаймиз, — дейди Ҳилола Бекжонова. — Айниқса, амалий машғулотлар жараёнида. Жумладан, маҳаллалар худудларини, кўчаларни

ободонлаштиришда аъзоларимиз фаол иштирок этишади.

Шовот туманида «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази фаолиятининг намунали йўлга қўйилгани бизни қувонтирди. «Камолот» ЁИХ саъй-ҳаракати билан ёшларга бўш вақтларини фойдали ўтказишлари, қўшимча хунар ўрганишлари учун етарли шароит яратилган.

Наргиза УМАРОВА.
Александра Спиридонова
олган суратлар

Do'stlik festivali

Бухоро вилоятининг Қоровулбозор шаҳрида Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида «Ўзбекистон — ягона Ватан!» шиори остида дўстлик фестивали ўтказилди.

Бизни дўст айладинг, жонажон Ватан!

Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни улуглаш, ҳар бир миллат урф-одати ва анъаналарига ҳурмат кўрсатиш гоёсини илгари сурган ушбу фестиваль доирасида бир неча лойиҳа амалга оширилди.

Лойиҳа доирасида расмлар танлови ўтказилди. Туркман қизи Дурдона Сайдаминаева, қозоқ фарзанди Эртош Бекенбаев, рус йигити Александр Дув, татар ўғлини Максим Ўролов, ўзбек қизи Нодира Бахтиева каби кўплаб иштирокчилар томонидан тақдим этилган расмлар юқори баҳоланди.

Турли миллат вакиллари ўзларининг урф-одат ва анъаналарини саҳна кўринишлари ҳамда куй-қўшиқлар орқали намойиш этиб, барчага хуш кайфият улашишди.

Кун давомида барчага байрамона кайфият бағишлаган фестиваль якунида гала-концерт уюштирилди.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

Истиқболли ҳамкорлик йўлида

Iqtisodiyot

Ҳар йили октябрь-ноябрь ойларида анъанавий тарзда ташкил этилаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг тармоқлар бўйича илк босқичи коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси комплекси бўйича ташкил этилди.

Ярмарка иштирокчилари сони йилдан-йилга ортиб бораётганини «Ўзэкспомарказ» павильонларида ўтказилган бу галги тармоқ ярмаркасида ҳам кўриш мумкин. Юздан зиёд кичик бизнес субъектлари ўзлари ишлаб чиқарётган маҳсулотлар билан ярмаркада иштирок этиб, истиқболли шартномалар тузишга эришдилар.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон Темир Йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси, «Тошшаҳартрансхизмат», «Ўзмонтажмахсуқурилиш» ассоциациялари каби йирик давлат ташкилотлари ва улар таркибига кирувчи кичик бизнес вакиллари ҳам ярмаркада ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар, хизмат турлари билан иштирок этдилар.

Ярмаркада иштирок этаётган «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси таркибиде фаолият кўрсатаётган юздан зиёд корхоналар ўзларининг эллиқдан ортиқ номдаги маҳсулотлари билан иштирок этди. Компания таркибиде цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар, махсус қурилиш материаллари, норуда материаллар, деворбоп материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар мавжуд бўлиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар мамлакат ички бозори талабининг етмиш фоиз-

дан зиёдини қондирмоқда. Янги-янги ўзлаштирилаётган маҳсулотлар ўзининг рақобатбардошлиги билан ишлаб чиқариш ҳажмининг йилдан-йилга ортиб боришига хизмат қилмоқда. Компанияда ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотлари экологик тоза, узок муддатли ва энергия самарадорлиги билан ажралиб туради. Яна бир эътиборли жиҳати, компания таркибиде фаолият кўрсатаётган корхоналарда қурилиш учун зарур маҳсулотлар замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилмоқда. Бу галги ярмаркада компанияда ишлаб чиқарилган ўндан зиёд янги номдаги маҳсулотлар ҳам намойиш этилмоқда. Қирқдан ортиқ ўзлаштиришга тақлиф қилинган хомашё ва материаллар мавжуд бўлиб, бу харидорларнинг жиддий қизиқишига сабаб бўла олди. Импорт ўрнини босувчи хомашёлар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳиссасига тўғри келаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Қисқа фурсатда керак бўлган ишлаб чиқаришга мўлжалланган тўртта корхона ишга тушгани импорт ўрнини босувчи маҳсулотларга бўлган ички талабни тўлиқ қондирмоқда. Цемент, шиша ва шиша маҳсулотлари, гипсокартон, қуруқ қурилиш аралашмалари, алюминий пластик композит панеллар, ғишт, мрамар ва гранитдан олинган материаллар эндиликда Афғонистон, Эрон, Россия, Туркменистон, Қозғистон, Қирғизистон каби мамлакатларга экспорт қилинаётгани

фикримизнинг далилидир. 2000 — 2012 йилларда компаниянинг экспорт салоҳияти беш баробар ошгани ҳам тармоқнинг техник ва технологик жиҳатдан қайта янгиланганидан далолат беради. «Қизилқумцемент», «Оҳангаронцемент», «Қувасойцемент», «Бекободцемент», «Оҳангароншифер» акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқарилаётган қурилиш учун зарур бўлган цемент маҳсулотлари халқаро сифат сертификатига эга.

Пойтахтимиздаги «Милен» масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар «Dizayn group», «Original plast» савдо брендлари остида ишлаб чиқарилмоқда. ПВХ панеллари, трубалар, карниз ва кабел коробкалари каби юздан зиёд номдаги маҳсулотлар нафақат маҳаллий аҳоли учун, балки хорижий ҳамкорлар учун ҳам замонавий иншоотлар бунёд этишда қурилишнинг энг нозик талабларига жавоб бера олиши билан кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

— Биноларнинг ташқи фасадлари учун мўлжалланган пластик панеллар ҳар қандай харидорнинг талабини қондиради, — дейди корхонанинг ташқи иқтисодий фаолият бўйича менежери Жавохир Қодиров. — Маҳсулотларимизнинг ишончилигига асос бўлган сифат кўрсаткичлари жуда юқори. Ўн тўрт йил олдин ташкил этилган корхонамизда ишлаб чиқарилаётган панеллар эндиликда Туркменистон, Қозғистон, Россия, Қирғизистонга ҳам экспорт қилинмоқда.

Бир неча кун давом этган мазкур ярмарка давомида фойдали келишувлар тузишга, шартномалар имзолашга эришилди.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,
«Turkiston» мухбири

Матонатдан унган ниҳоллар

Ҳаёт ўзи шундай. Кимнингдир кафтига барака ёғдириб, кифтига бахт қушини қўндириб сийласа, кимгадир қайғу, кимгадир ҳасрат улашар экан.

Зебихон ва Ваҳобжон ака оиласи кўпчилик ҳавас қилгудек тўқис, бир-бирига муносиб жуфтлик эди. Рўзғор ташвишларига иккиси баравар елка тутар, боғми, далами — ҳар ерда захматни бирга чекиб, роҳатини бирга баҳам кўрардилар. Тўнғич қизлари Насибохон уч ёшга тўлганда ўғил фарзанднинг дунёга келиши уларни беҳад қувонтирди. Яратганга шукроналар айтиб, унга Ҳошимжон деб исм қўйдилар. Ҳали ёшига етмай туриб юра бошлаган болакай жуда шўх, ҳамма нарсага қизиқувчан, тили бурро эди. Ваҳобжон ака ўша пайтларда чўпонлик қилар, эрта баҳорда қўй-қўзиларни тоққа ҳайдаб кетиб, кеч кузда уйга қайтарди. Эрининг иссиқ-совуғидан хабар олгани отланган пайтда болаларини қайнонасига қолдириб кетаётган онаизор ўғлининг тиниб-тинчимаслигидан доим хавотир олар, иложи борича тезроқ болаларни ёнига қайтишга ошиқарди. Дастурхонлари тўқис, ҳаётлари текис, бир маромда ўтарди, аммо...

Ўшанда Ҳошимжон уч ёшда эди. Ҳовлида уйнаб юриб, каттак бурчагида ётган курк товукча кўзи тушди. Она товукнинг қанотлари остига беркинб чийиллаётган жўжаларни кўрмоқчи бўлди. Девоорга тираб қўйилган трактор филдарига намойиш қўлига каттагина чўп тутиб, хурпайиб турган товукни турткилай бошлади. Кейин курк товук ҳамласидан қочаман, деб баҳайбат филдираклар остида қолди. У оёқчаларини тортиб олишга кўп уринди, бутун вужудини оғриқ қамраб, чорасиз қолгандагина ёрдам сўраб додлай бошлади. Уйдагилари уни беҳуш ҳолда топишди.

Кун кеч бўлиб қолган, шаҳар шифохонаси анча олисда. Чора қидириб, яқин орада яшайдиган табибнинг уйига олиб боришди. Боланинг оёқ суяклари синиб кетгани аён эди, бироқ улар табибнинг муолажасига, айтган гапларига ишонишди. Тахтакач орасига олиб, маҳкам тангиб боғлангандан кейин оёқларнинг оғриғи тингандай бўлди. Табиб уларга гиёҳ боғламини тутиб: «Буни чой ўрнида дамлаб ичириб туринглар, йиғлаб додласаям оёғини ечиб юрманг. Югуриб юрган бола чидаши қийин бўлади. Бир амаллаб овутиб турасизлар. Йигирма кунда ўзим ечиб, малҳам суриб қўяман, кўрмагандек бўлади», — дея уларни ишонтирди. Жигари хасталаниб шифохонада ётиб чиққан онаизор болани елкасига опичиб кўтариб юрди. Соддадил аёл, болам яхши бўлиб қолади, деб ишонди. Бола бояқиш йиғлайвериб иссиғи чиқиб, алаҳсиб ётиб қолсаям, яратгандан сабр тилаб, уни ову-

тишга ҳаракат қилди. Айтилган фурсатда жароҳатдаги боғламлар ечилди. Онаизор ўғлининг оёқчаларига қараб гўё юраги тўхтаб қолгандек бўлди. Бўғзига бир нима тикилиб, ҳаво етишмагандек ҳолсизланди. Оёқчалар худди болга билан уриб текислаб қўйгандек қотиб қолган, жонсиздек ҳеч нарса сезмасди...

Отаси тоғдан қайтгач, Ҳошимжонни шаҳар марказидаги тажрибали шифокорларга кўрсатди, даволатди, натижа бўлмади. Тойчоқдек сакраб, чопқиллаб кўчадан уйга кирмайдиган болакай тўшаққа миҳланиб, ногирон бўлиб қолди...

Онасининг жигаридаги дарди хуруж қилиб шифохонага тушганида у етти-саккиз ёшда эди. Ёлғизлик азобини ҳис этиб изтиробга тушса-да, рўзғор юмушларини уддалашга уринди. Эмаклаб ҳовли супуриб, сув сепди, гул-райхонларни парвариш қилди. Соғлом қўллар билан, теран ақл билан кўп ишни бажариш мумкинлигидан қувонди. Энди унинг мактабга бориб, тенгдошлари каби ўқигиси келарди. Опаси Насиба мактабга кетаётган пайтда ортидан эргашиб, анча йўлгача кузатиб борар, кўзига ёш тўлиб ортига қайтарди. Ўша кунларда телеканалларнинг бирида «Ҳарфларни ўрганамиз» кўрсатуви намойиш этила бошлади. Ҳошимжон қўлига қоғоз-қалам тутиб, кунт билан ўрганишга киришди. Икки-уч ойда ёзишни, ўқишни ўрганиб олган боласининг иқтидоридан қувонган онаизор унинг ёзганларини мактаб муаллимларига кўрсатиш учун ошиқди...

Ҳошимжоннинг ҳайвонот оламига меҳри бўлакча эди. Дадаси миниб юрган Кўқашка от унинг энг яқин дўстига айланган, мол-қўйлари, Бўрибосар ити ҳам бор эди. У «Оқ бўрилар» телесериалини берилиб томоша қилар, ўзини кино оламига кириб қолгандек бахтиёр ҳис этарди. Шундай кунларнинг бирида телевизор ўчиб қолди. Қўшнинг уйига кириб кино кўришни ўзига эп кўрмай, асбоб-ускуналар солинган қутини қидира бошлади. Ҳамма ишга қизиқиб, амалда бажаришга бел боғлайдиган ўғлини кўнгилсизликлардан сақлаш учун эҳтиёт чораларини кўриб юрадиган онаси қутини яшириб кетгани аниқ эди. Уйлай-уйлай йўлини топди. Қўлига тушган каттакон миҳни икки тошнинг орасига олиб, зарб билан уриб япалоқ ҳолатга келтирди-да, телевизор қутисини очди. Шошилмай ўрганди. Қорайиб қолган битта лампа ўрнига экрани куйиб қолган эски телевизорнинг лампасини олиб қўйди. Созлагач, телевизор ишлаётганини кўриб севинчидан қич-

қариб юборди. Ўша кун би-ринчи марта ўзидан кўнгли тўлди. Эртасига неча йилдан бери ишламай ётган кир ювиш машинасини таъмирлаб онасини хурсанд қилди. Секин-аста телевизор, магнитофон каби кўплаб радиотехника воситаларини созлашни ўрганди. Ҳошимжон ўн олти ёшга кирганида уни танийдиган, йўқлаб келадиган одамлар анча эди. Энди у ҳеч қачон ёлғиз қолмасди. Дўстлари, ҳамсуҳбатлари сафи ортиб борарди.

Шундай кунларнинг бирида уларнинг маҳалласига юмуш билан келган катта уста Қобилжон Султонов билан танишиб қолди. Унинг розилиги билан шаҳар марказида жойлашган «Зангори экран» радиотехника устахонасига малака оширишга қатнай бошлади. Уйларида автобус бека-тигача анча масофа. Бир неча марта қариндош, таниш-билишларга мурожаат қилиб, шаҳар марказига енгил машинада бориб келди. Бир-икки ой бориб амалиёт ўташи кераклигини фаҳмлагач, ҳеч кимга малол келмайдиган йўлни қидира бошлади. «Оёқларим ер босмагани билан қўлларим бақувват-ку, шундай соғлом қўлларим билан бировга қарам бўлиб юрманми?» — дея ҳаловати йўқолди. Ва ниҳоят, имкон топилди. Ёш болалар учун мўлжалланган уч филдиракли велосипед сотиб олиб, унга бақувват филдиракчалар қўйди. Қулай ўтириш учун мослама ўрнатди. Қўл билан бошқариладиган велосипедда энди бемалол автобус бека-тига бориб, уйга бемалол қайтадиган бўлди. Аввалига, кўчадаги одамларнинг хайратомуз нигоҳлари, уни кўрганда бир-бирига пичирлаб гап қотишидан кўнгли ғашланди, ноқулай аҳволга тушди. Кейин-кейин ҳаммаси ўрнига тушиб кетди. Ҳошимжоннинг юрагидаги ниятлари, орзу-мақсадлари фақат эзгулик, бировга қарам бўлмаслик, боқиманда бўлиб, кимдандир кўмак кутмаслик, одамлар қаторида кам бўлмаслик, ота-онасига муносиб ўғил бўлиб, ризқ-насибасини ҳалоллаб ейиш эди. Қийналиб бориб келса ҳам, хунарни пухта ўзлаштирди. Билмаганларини ўрганди, кимгадир билганини ўргатди. Тунни тонгга улаб меҳнат қилган кунларида ҳам ҳеч кимга ноламади. Чунки у кимгадир кераклигини ҳис қила бошлаган, қўлидан иш келишидан мамнун, тақдирга тан бериб, фақат яхши кунларга интилиб яшарди.

Фарғона вилоятида махсус ногиронлар билим юрти борлигини эшитиб, ҳаловатини йўқотди. Ота-онаси билан маслаҳатлашиб йўлга тушди. Ўқув даргоҳига кириб борганида ўзидай йигит-қизларни кўриб, албатта, мана шу даргоҳда таълим оламан, деб ният қилди. Ўқув даргоҳи раҳбари олдига кирди.

— Ўғлим, иложи бўлса, сизни минг марта имтихонсиз

қабул қилардик. Бу масканда ногиронлар касб-хунар эгаллаши рост, аммо улар ҳассага таяниб юрса ҳам, оқсоқланиб зўрға қадам ташласа-да, оёғи билан ер босиб юради. Кўп дарс ўтадиган хоналаримиз, амалиёт хоналари иккинчи, учинчи қаватда жойлашган. Зиналардан чиқиб-тушишингиз муаммо бўлади. Одамлар оёғи остида, қўлингиз билан эмаклаб юришингизни юрагимга сиғдирилмайман. Қийналиб кетасиз. Биздан сабоқ олсангиз ҳам, ҳозир сиз билганчалик малакага эга бўлардингиз-да, мендан хафа бўлманг...

Осмон узилиб ерга тушгандек вужудидан титроқ турди. Кўз олдини қоронғилик қоплади. Устоз меҳр билан тўғри гапни гапирган бўлсаям, барибир хафа бўлди. Ўзидай кўнгли яримлар орасида жой топилмаганига дили ўксиди. Уйга қайтиб, дардманд онасига кўзидаги ҳасратини кўрсатмасликка ҳаракат қилди. Ҳали дунёдаги энг бахтли одамлардан бири бўламан, деб ўзига ўзи сўз берди. Аламини меҳнатдан олди. Тўлганида қоғозга тўкилди. Шеърлар ёзиб, дўстларига ўқиб берди. Маҳалладаги боғбон амакиси — Мамасоли акадан мевали дарахтлар экиб, пайвандлаш сирларини ўрганди. Бозордан, ўз боғларидан келтирилган мева данакларини катта ҳовлига онаси, дўстлари ёрдами билан экиб, кўчат ундирди. Шафтоли ва ўрикнинг ноёб турлари новдаларидан кесиб олиб, янги кўчатларга пайвандлади. Бир-икки йилда уста боғбонлардай мевали кўчат ўстиришнинг янги усулларини топиб, ундан даромад ола бошлади. Радио, магнитофон, телевизор, музлаткич, борингки, электр энергияси билан ишлайдиган барча рўзғор буюмларини тузатишнинг уддасидан чиқарди. Энди ота-онасининг дастёрига айланди.

Ўша кезларда мен туман ижроия кўмитасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлимида ишлардим. Тумандаги «Оқ олтин» газетасида «Қалдирғоч» рукни остида ёш қаламкашларнинг ижодидан намуналар чоп этиларди. Газета муҳбирларидан бири менга сим қоқиб, «Чилон» тарафларда бир ногирон шоир йигит борлигини айтиб манзилни берди. Уни қидириб топдим. Зебихон ая пeshвоз чиқиб: «Мана менинг шоир болам, опаси», — дея Ҳошимжонга ишора қилди. Кўзига ёш олиб, рўмоли четини тишлаб турган онасига бир қараб қўйди-да, қаҳқонлик билан ёнимга келди: «Опа, мени биринчи кўрган одам хайратланишига кўникиб қолганман. Биламан, бунинг қўлидан нима иш келарди, деб ўйлаётгандирсиз. Адашасиз, мен кўп ишни уддалайман. Томорқадаги кўкариб ётган мевали кўчатларнинг ҳаммасини мен пайванд қилганман. Анави гулларни ўстирганман. Кўра-кўра қўйларни боқиб, семир-

тириш учун қоплардаги маккажўхори донини мардагидан тозаллаган ҳам мен. Шеър ёзаман, иккита қатта дафтарим тўла. Устоз кўрмаган шоғирд бўлиб ҳар мақомга йўргаламай, деб сизни йўқлатдим». Ҳошимжоннинг кўзларидан олов сачрагандек бўлди. Аламдан елкалари титраб турса ҳам, ўзини бепарводек кўрсатишга уринарди. Катта ҳовли томорқасида бир қарич бўш ернинг ўзи йўқ. Турли мева кўчатларига бирдек шакл берилган. Қизил, оқ рангдаги атиргуллар товланиб турибди. Биз билан суҳбатда у шундай деди:

— Опа, гуллардан узиб бераман. Кимнинг ҳовлисида чиройли очилган гул кўрсам, кузда бориб новдасидан олиб келиб кўкартириб оламан. Қаранг, хилма-хиллигини, гул-райхонларни онам эскини билан мен сўғориб кўкартирдим. Сочини елкасига тушириб, сигарета чекиб, қўлидан ҳеч иш келмаса ҳам, гердайиб кўчада юрадиган тенгдошларимга ҳавас қилмайман. Соғлом болаларини кўча-қўйда сарсон қилиб ташлаб кетаётган, воз кечаётган, меҳрибонлик уйи дарвозасини тунда қоқиб, гўдагини остонага ташлаб қочиб кетадиган аёллар келиб, менинг онамнинг пойидан тупроқ олсин. Мени опичиб юриб улғайтирган, бағрига босиб, туни билан ногирон оёқларимга кафтини босиб ётган онам бўлмаганида, мен ҳеч ким бўлмасдим. Мен йўқ эдим. Энди менинг галим келди. Худо бахтимни очиб, онамдай нон ёпадиган, онамдай инсонга меҳр берадиган бир жуфти ҳалол насиб этса, онам роҳатимизни кўрса, дейман. Мен шу юртнинг тупроғини ҳаммадан кўпроқ ҳис этаман, кўпроқ суяман. Инсон ақли кириб балоғатга етгани сайин бўйи ўсиб, тупроқдан узоқлашиб боради. Ерда ўрмалаб юрган бола тупроқни жириканмай оғзига солиб ейишида ҳам гап бор. Ер энг яқин оғайним, дўстим, севгилимга айланган. Шу тупроқ ота-онамдай мени аллалагани учун ҳам ундан гул ундирарман, ниҳол кўкартираман...

Ўша йили туман газетасида унинг шеърлари эълон қилинди. 2009 йили туман ногиронлар жамяти ташаббуси, саховатли инсонлар кўмаги билан ўн нафар ёш ижодкорнинг «Ярим кўнгил ноласи» шеърый тўплами чоп этилди.

Онаси Зебихон ая оламдан ўтди. Аммо унинг армонлари ўшалди. Келини Ҳаётхон уларнинг ҳаётига ёруғлик олиб келди. Набираси Ҳосилабонуни тўйиб-тўйиб бағрига босди. Алла айтиб хумордан чиқди. Энди ёлғизи ёлғиз эмас. Ваҳобжон ота ҳозир 76 ёшда. Ҳошимжон билан биргалашиб «Боғи Маҳкам дурдоналари» фермер хўжалигини барпо этди. Олти гектар ерга турли мева кўчатлари экилди. Бугун мевага кирган дарахтлар орасида Ҳошимжон данагидан ундириб пайвандлаганлари анчагина. Ҳаётхоннинг асли касби иқтисодчи бўлгани боис, кичик тадбиркорликни йўлга қўйди. Бугун оила тўқис, ҳар икки ёшнинг ҳам бахти бутундир.

Мунаввара УСМОҲОВА,
шоира

Shu aziz Vatanda azizdir inson

Nigoh

Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш долзарб вазифалардандир. Бу борада ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари масъулиятни ҳис этган ҳолда ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишяпти. Бекободлик Ўктам Фозилов ана шундай фидойи инсонлардан.

Ҳаммага яхшилик соғинади

Айни кунларда Бекобод шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси вазифасида ишлаб келаётган Ўктам ака ҳаётини одамларга яхшилик қилишга, ёшларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатишга бахшида этди.

Ўзининг қирқ йилдан ортиқроқ меҳнат фаолияти давомида камтарлиги ва самимийлиги билан ҳамшаҳарлари эътиборига сазовор бўлган бу инсон нафақат нотариал соҳада, балки маърифий-ҳуқуқий йўналишдаги барча жараёнларда фаол қатнашиб келяпти. Маҳаллаларда, ташкилот ва ўқув масканларида бўлиб, ёшлар билан ҳуқуқ мавзусида суҳбатлар, маҳорат сабоқларини ўтказди. Айниқса, унинг тарихни чуқур билиши, тарихий манбалар юзасидан қизгин мулоқотлар ташкил эта олиши ибратлидир.

Ҳаётда ҳар бир инсон ўзидан яхши ном қолдиришга интилиб яшайди. Бекободда ким билан суҳбатлашманг, Ўктам ака ҳақида фақат илиқ фикрларни тинглайсиз.

Истам Музаффаров, «Цементчилар» маҳалласи кекса фаоли:

— Ўктамжонни кўп йиллардан буён яхши биламан. Кўлидан келганча, одамларга яхшилик қилишни ният қилиб яшайди. Маҳалламизда ўзининг фаоллиги, ҳолатбарорлиги, самимий ва дилкашлиги билан обрў-эътибор қозонган.

Муҳаммаджон Сангинов, «Цементчилар» МФЙ раиси: — Ўктам ака ҳақиқатан ҳам маҳалламизнинг, шаҳримизнинг фахрли инсонларидан бири. У бунга ўзининг билими, эътиқоди, ишбилармонлиги билан сазовор бўлган.

Зайнаб Камолитдинова, пенсионер: — Бу одам ҳамиша одамларга яхшилик қилиб келган. Қолаверса, ўз соҳасини, касбини жуда яхши билади. Айниқса, Ўктамжон ёрдамга муҳтож инсонларга ҳамма вақт кўлидан келган ёрдамини аямайди. Эзгулик ва инсонпарварлик унинг ҳаётини шиориға айланган.

Ўктам Фозилов ҳақида илиқ фикрлар эшитиш жуда мароқли. Негаки, у киши ана шундай таҳсин ва эътирофга сазовор инсон.

Ашурали БОЙМУРОД

Талабага нима муҳим?

Талабалик — ўқишга, изланишга иштиёқманд ҳар бир ёш ҳаётидаги энг эса қоларли, шуқуҳли даврдир. Чунки ўқувчи талаба бўлгунча қанча кечаларни бедор ўтказишига, китобдан бош кўтармай, билим олишига тўғри келади. Баъзан биринчи уриниши муваффақиятли чиқмай, икки-уч йилдан сўнг талаба бўлганлар ҳақида ҳам эшитганмиз.

Талаба бўлиш учун қанча босқичлардан, синовлардан ўтишга тўғри келаркан. Хўш, институт ёки университетга ўқишга кириш ниятига етган йигит-қизлар талаба бўлгач, ўзлари учун нимани биринчи галда муҳим деб ҳисоблашади? Биз, бир гуруҳ ўқитувчилар шу мавзуда кичик сўровнома ўтказдик.

Натижага қизиқяпсизми? Унда марҳамат. Талабаларнинг кўпчилиги ўз олдига қўйган мақсадига эришишни муҳим деб ҳисобларкан. Иккинчи ўринни ишбилармонликни муҳим билладиган талабалар эгаллаган бўлса, учинчи то-

ифа талабалар иқтисодий омилни ўзлари учун биринчи галда деб қайд этишган.

Талабалар орасида ўзига ишонган, келгуси мақсади аниқ, ҳаётда ўз ўрнини топишга интиладиган ёшлар кўплиги бизни қувонтирди. Иккинчи, учинчи тоифа талабалар ҳам ўз дунёқараши, моддий-маънавий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда жавоб бергани аниқ. Кўпчиликнинг фикри доим устун бўлган. Шунга кўра, келгусида улар ҳам ҳаётини мақсадни муҳим деб билишлари мумкин.

Гоҳида, диплом олсам, бўлди, қабилида кун-ўтар «ўқийдиган» ёшларни ҳам учратамиз. Талабаларга етгунча қанча ўйларни хаёлидан ўтказган шу тоифа ёшларнинг ўқишга киргач, лоқайд бўлиши кишини ажаблантиради. Демак, бундай талабалар тафаккурини биз, ўқитувчилар яхши томонга йўналтиришимиз, уларга талабалик завқи, ҳаёт мазмуни нимадалигини тўғри тушунтиришимиз лозим.

Моҳиғул БОБОЕВА,
Самарқанд давлат чет тиллар
институтини ўқитувчиси

Ғаройиб саёҳат

Тиниб-тинчимайдиган «Камолот» фаоллари бу гал антиқа — «Бизнес автобус» тарғибот лойиҳасини ташкил этишди.

Наманган «Ёшлар маркази»-дан старт олган автобусни Наманган давлат университети, Наманган муҳандислик-педагогика институти, Наманган муҳандислик-технология институти, Наманган шаҳар 1-тиббийет коллежи, Наманган санъат коллежи, Наманган миллий ҳунармандчилик ва сервис касб-ҳунар коллежи, Давлатобод энгил саноат касб-ҳунар коллежи, Наманган юридик коллежи «бекат»ларида 500 нафардан зиёд ёшлар илиқ қарши олишди. «Менинг бизнес фоям» ҳамда «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳалари-

да ғолиб бўлган ва бугунги кунда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган йигирма нафар ёш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратилаётган эътибор, яратилаётган имкониятлар кўлами хусусида маълумот бериб ўтди.

— Турли ўқув семинарлари, тадбирлар, кўрик-танловларни мунтазам ўтказиб борардик, лекин бу галги «Бизнес автобус» лойиҳаси тамомила ўзгача кайфият бахш этди, — дейди Наманган муҳандислик-педагогика институти талабаси Иброҳим Ортиқов. — Саёҳатимиз давомида ўқув муассасалари би-

лан танишиш асносида янги иқтидор эгаларини кашф эта олдик. Ўтказилган интерфаол ўйин ва сўровларимизда иштирок этган ҳар бир йигит-қизда тадбиркорлик соҳасига қизиқиш юқори эканлигига гувоҳ бўлдик.

Шаҳар бўйлаб кезаётган автобус йўловчиларни ҳам беварқ қолдирмади. Иштирокчи «Камолот»чиларни саволларга кўмиб ташлаганлар ҳам бўлди. Кун давомида ўз фикр ва тажрибалари билан ўртоқлашишдан чарчамаган ёшларимиз яна ўша қадрдон «Ёшлар маркази»да эртанги лойиҳа тўғрисида янги режалар туза бошладилар...

Ойдина РЕЖАББОЕВА,
Наманган вилояти

860 нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари олти йўналишда таълим олаётган Ўзбекистон иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида сўнгги пайтларда таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш, ўқитишнинг янги самарали усулларидан фойдаланиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.

Бу борада иқтисод фани ўқитувчиси Феруза Юсупова, биологиядан Дилдора Камолова, математика бўйича Қахрамон Жамолов ва бошқа интилувчан педагогларнинг ишлари бошқаларга ўрнак бўляпти. Жорий ўқув йилида коллежни тамом-

Битирувчига муносиб иш



лаётган 294 нафар битирувчини ишга жойлаштириш бўйича коллеж-корхона-битирувчи тартибидан уч томонлама шартномалар имзоланди.

Эндиликда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ўқувчилар ўзининг истеъдоди, ҳаракатчанлиги,

касбга, ҳунарга бўлган меҳрини кўрсата олиши билан амалиёт ўтаётган корхонасида ишда қолишга интилади. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари, тумандаги банк филиаллари, хусусий корхона ва ташкилотларда амалиёт ўтаётган ўқувчиларнинг

кўпчилигига иш бевуви корхоналар қизиқиш билдирыпти.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири

СУРАТДА: тикувчилик фани ўқитувчиси Дилшоода Давронова ўқувчилар билан машғул пайтида.

Тадбиркорликка катта эътибор қаратилгани, кичик бизнесни ривожлантириш йўлида кенг имкониятлар яратилаётгани мамлакатимизда ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан тараққиётни белгилаб бермоқда. Жаҳон иқтисодиётидаги кучли рақобатга қарамасдан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган товар ва маҳсулотларнинг тобора харидорбоп бўлиб бораётгани, экспорт ҳажмининг йилдан йилга ошаётгани юртимизда саноат қай даражада тараққий этаётганини кўрсатади.

Иқтисодиёт таянчи

Энг муҳими, буларнинг барчаси халқимиз турмуш фаровонлигини таъминламоқда. Жаҳоннинг айрим ривожланган мамлакатларида ҳам ишсизлик муаммоси авж олаётган бир паллада мамлакатимизда кейинги етти-саккиз йил ичида беш миллиондан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг олти миш фоиздан кўпроғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келаётир.

Айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилганлиги мамлакатимизда бандлик, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминламоқда ва бу соҳа макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда асосий иқтисодий омиллардан бири вазифасини бажармоқда.

Жаҳонгир ЎРИНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университетини талабаси

Hademay mutaxassis bo'lishadi

Menga so'z bering

Изланишлар ютуқларни ҳада эстади

Kasb-hunar maskanlarida

Бугун ёшларга билим олишлари, касб-хунар ўрганишлари учун етарлича гамхўрлик қилиниб, шароитлар кундан кунга яхшиланиб бормоқда. Бу эса эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлишига ишорадир. Бу борада Бўка агросаноат ва транспорт касб-хунар коллежида ҳам салмоқли ишлар қилинаётганлиги ютуқларда акс этяпти. Бу ерда 1177 нафар ўқувчи тўққизта мутахассислик бўйича ўқияпти.

УНДАЙЛАР ИШОНЧГА ИНТИҚ БЎЛАДИ

— Ёшларни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда маънавий-маърифий ишларни турли шакл ва усулларда ташкил этишга кўпроқ эътибор қаратяпмиз, — дейди коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Барно Жабборова. — Ёшларни бежиз ниҳолга ўхшатишмайди, улар парваршиш, эътиборга муҳтож. Уларнинг баъзилари панд-насиҳатни кўпам хушламайди. Яширишнинг ҳолати йўқ, таълим масканларида ўқувчининг яхшиси ҳам, тарбияси кемтиги ҳам топилади. Бизда ҳам шундай эди. Ҳадеб дакки эшитаверган ўқувчининг юзи қотиб боравериши аниқ. Шуларни ўйлаб, шу тоифа ўқувчиларни йиғиб, «Заковат» клубига жалб қилдик. Албатта, иқтидорли болалар кўмагида. Ишончга интиқ ҳалиги ўқувчилар аста-секин ўзгара борди. Натижа кутилганидан ҳам яхши. Ёки сигарета чекувчилар ҳам топилиб қолди,



улар билан ҳам алоҳида шуғулландик. Ҳаётини мисоллар акс эттирилган слайдлар орқали уларнинг фикрини ўзгартиришга эришдик.

Коллежда ўқувчилар бўш вақтларини бесамар ўтказмасликлари учун 53 та фан ва спорт тўғараги, клублар ташкил этилган. 727 нафар ўқувчи жалб қилинган. Бадиий ҳаваскорлик тўғараги иккита, спорт тўғараги олтига. Ўқувчилар фан олимпиадалари ва турли кўрик-танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашапти. Ўқувчилар «Барҳаёт анъаналар», «Қувноқлар ва зукколар», «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловларида туман босқичи ғолиби бўлди. «Баркамол авлод» спорт мусобақасида вилоят босқичига йўлланма олди. «Касб маҳорати» кўрик-танловида 3-курс ўқувчиси Комилжон Мўйдинов вилоят босқичида иккинчи ўринни эгаллади. География фанидан ўтказилган олимпиаданинг вилоят босқичида Ҳасан Тожимуродов иккинчи ўринни олди.

РЕЖАЛАР... МУАММОЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан ҳам-

нафас коллеж жамоасининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишдаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишда режа ва таклифлар талайгина, муаммолар ҳам йўқ эмас. Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида ўқув хоналари ва устахоналар учун замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари, яъни ишлаб чиқаришда қўлланилаётган янги русумли техникалар билан таъминлаш, баркамол авлоднинг камол топишига кўмаклашиш ва шарт-шароитлар яратиш мақсадида коллеж спорт мажмуасини замонавий спорт тренажёрлари билан таъминлаш, ўқувчиларнинг ижодий ва касбий маҳоратини оширишга кўмаклашиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш (сартарошлик, пойабзал таъмирлаш, тикувчилик, компьютер хизмати) мақсадида реконструкцияга киритилмаган уч қаватли бинони капитал таъмирлаш, транспорт ва кичик хўжалиги машиналарига хизмат кўрсатувчи сервис хизматини йўлга қўйиш мақсадида реконструкцияга киритилмаган ишлаб чиқариш мажмуаси қисмини таъмирлаш.

КИЧИК МИРИШКОРЛАР

Коллеж ҳудудида мўъжазгина иссиқхона ҳам бор. Баравж ўсаётган лимонларни кўриб, бу хўжаликни бирор бир фермер бошқарса керак, деб ўйласангиз, хато қиласиз. Унинг ҳақиқий эгалари — кичик миришкорлар — ўқувчилар, устозлар. Улар ўқув даргоҳларини ўз оиласидек ҳис қилиб, ардоқлашади, унинг тўқис бўлишига ўзларини масъул ҳисоблашади.

Изланиш, имкон топиш орқали ўқувчиларда ҳам ишбилармонлик, тадбиркорликка ҳавас уйғотаётган педагогик жамоанинг майдони 7,5 гектар, 2,5 сотихли лимонария хўжалиги ҳам мавжуд. Ёрдамчи хўжаликка бу йил эзгу ниятлар билан 3100 туп терак, 300 туп мевали, 200 туп манзарали кўчат экилди. 150 ўринли ошхона дастурхонидан йил бўйи дармондориларга бой кўчатлар, шифобахш лимонлар қанда бўлмайди. Муҳими, ёшлар меҳнатнинг орқасидан даромад, тўқинлик, турмуш обод бўлишини ҳис қилиб яшашни ўрганадилар.

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири



ҚОПЛОН ҲУЖУМИ

Ботсвана президентига қоплон ҳужум қилди.

Маълумотларга қараганда, президент Яна Кхама ҳарбий бўлинманинг ёввойи ҳайвонлар сақланадиган қисмида бўлганида унга панжара ортида турган йиртқич ташланган. Йиртқичнинг панжалари панжара орасидан ўтиб, Яна Кхаманинг юзини тирнаган. Натижада, шифокорлар Кхаманинг юзини тикишга мажбур бўлдилар. Ҳукумат эса бу тасодифий воқеа эканлигини ва айна пайтда президентнинг юзида ҳеч қандай муаммо йўқлигини маълум қилди.

Фабрика ЭГАСИНИНГ ЖАЗОСИНИ БЕРИНГ

Бангладешда ишчилар биносининг қулаб тушиши натижасида 400 киши ҳалок бўлди.

Ишчилар тикув фабрикаси эгаларини осийни талаб қилишди. Ҳукуматнинг «хотирхаликни сақлаш» чақирувларига қарамай, «Фабрика эгаларини осинг!» шиори билан ишчилар тинчишмади. Бу каби намойиш нафақат пойтахт Даккада, балки мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлиб ўтган. Тикувчилар касаба уюшмаси вакили ишчиларнинг бу шиорини қўллаб-қувватлашини билдирган. Бундан олдин Дакка чеккасида мингдан ортиқ одам ишлайдиган кўп қаватли фабрика биноси қулаб тушиб, камида 400 киши ҳалок бўлган, юзлаб кишилар тан жароҳати олган, 170 дан ортиқ одам эса бедарак йўқолганлиги ҳақида хабарлар тарқалган эди. Ушбу фожиалар кетма-кетлиги Бангладешдаги меҳнат шароитлари устидан кескин норозиликнинг уйғонишига ва кучайишига сабаб бўлди. Ҳозирда ҳукумат вайрон бўлган фабрика эгасини ҳибсга олган.

Баракасини берсин!

«Facebook» ижтимоий тармоғи асосчиси Марк Цукерберг 2013 йилда ўзига 1 доллар миқдорда маош тайинлашларини сўради.

Маълумотларга қараганда, унинг бу илтимоси қондирилган. 2012 йилда Цукерберг «Facebook»дан маош сифатида 1,9 миллион доллар олган. Бундан ташқари, 2012 йилнинг май ойида компания ўз акцияларини биржага чиқарганида, ижтимоий тармоқ асосчиси ўзига тегишли 60 миллион дона акцияни 2,27 миллиард долларга сотган эди. «Facebook» раҳбари айна вақтда «Apple» раҳбари Стив Жоббс, «Google» асосчилари Ларри Пейж ва Сергей Брин, «HP» раҳбари Мэг Уитман ҳамда «Yahoo!» бошқарувчиси Жерри Янг туган йўлни танлади. Буларнинг барчаси йилига бир доллар маош олишган. Эслатиб ўтамиз, эндигина 28 ёшни қаршилаган, нуфузли шахслар рўйхатида 25-ўринни банд этган Цукербергнинг бойлиги 13,3 миллиард долларга тенг.

Интернет манбалари асосида
Шаҳриёр ЖАЛОЛОВ тайёрлади

Устозлар тажрибаси — ёшларга қанот

Ta'lim taraqqiyoti

Оққўрғон туманидаги 39-мактабда ўз соҳасининг билимдони, тажрибали устозлар анчагина. Айнан уларнинг маҳорати ва иш тажрибаси иқтидорли ўқувчиларга қанот бағишламоқда. Мактабда яратилган барча шарт-шароитлар ўқувчиларнинг пухта ва мукамал билим олишига қаратилган.

Ўтган йиллар мобайнида мактаб ўқувчиларининг ҳар соҳада қўлга киритган ютуқлари бунинг ёрқин ифодасидир. Мактабнинг собиқ ўқувчиси Мафтуна Маматқулова шахмат бўйича халқаро турнирлар иштирокчиси, Ўзбекистон чемпиони. Мини футбол бўйича мактабнинг қизлар жамоаси ўтган йили вилоят биринчилиги ғолибига айланди. 9-синф ўқувчиси Диёра Раҳматова эса, Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзод сифатида ушбу нуфузли танловнинг республика босқичида иштирок этди.

Албатта, буларнинг барчаси устозлар меҳнатининг самарасидир. Сабоҳат Бутунбоева, Нигора Тўлаева, Комила Норқулова, Феруза Мустафоева, Санобар Фармонова, Шоира Жумақулова сингари истеъдодли муаллимларнинг янгича изланишлари, илғор педагогик технологиядан унумли фойдаланаётганлиги эътиборга молик. Айниқса, она тили ва адабиёт ўқитувчиси Сабоҳат Бутунбоеванинг ўқувчилари билимлар беллашувига доимо фаол. Унинг ўқувчиларидан бири — Озода Маматқулова ўтган йили билимлар беллашувининг республика босқичида совриндор бўлди.

Тарих ва ҳуқуқшунослик ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси Муҳаббат Тўлякованинг изланишлари алоҳида эътиборга сазовор. Ҳозирги давр ўқувчисини ҳайратга солиш, ишонтириш мушкул вазифа. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчидан юксак қобилият ва маҳорат талаб этилади.

Қолаверса, ҳар бир педагог ўз касбини сева оладиган, бугунги кун талабига ҳозиржавоб бўлиши керак. Муҳаббат опада эса, худди ана хислат-

лар, фазилатлар мужассам.

Ўтган йиллар оралиғида Муқаддас Ўришова, Абдувосит Ёришов, Ирода Маликова, Шерзод Эгамназаров сингари иқтидорли ўқувчиларнинг ҳуқуқшунослик фани бўйича зукко эканлиги вилоят миқёсида эътироф этилди. Муҳаббат опа 2005 йилдан буён туман ўқитувчилари август кенгашининг тренинг ўқитувчиси сифатида ҳам фаоллик кўрсатиб келяпти. Албатта, янгича изланишлар, тўпланган тажрибалар ўз сўзини айтмоқда. Муҳаббат Тўлякова 2007 йилда «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида совриндор бўлганлиги ҳам бежиз эмас.

— Мактабимизда «Устоз-шогирд» анъанаси яхши йўлга қўйилган, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Адиба Рисқулова. — Илғор ўқитувчиларимизнинг иш тажрибаси ёш мутахассислар учун жуда муҳимдир. Мактаб таълимининг сифат ва самарадорлигини оширишда, замон талабига жавоб берадиган янгича ўқитиш тизимини жорий этишда бу нарса доимо асқотади, деб ўйлайман.

Гулжаҳон СУВОНОВА

Буюк мақсадларга пойдевор



(Давоми, боши 1-бетда)

Тенгдошимиз Баходир Мамедов «Келес» темир йўл станциясида ишлади. Утган йили Тошкент темир йўл транспорт касб-хунар коллежини тамомлади. Бу йил Тошкент темир йўл муҳандислари институтига ўқишга кирмоқчи.

— Кўпдан буён шундай кўргазма ўтказилишини кутаётган эдим. Бугун ўзим қизиққан йўналиш бўйича саволларимга етарли жавоб олдим. Бошқа олий таълим муассасалари фаолияти билан ҳам танишиб, керакли маълумотларга эга бўлдим. Бундай кўргазмалар мен каби ёшларнинг ҳаётини мақсадларини янада ойдинлаштиришида, қатъиятини мустаҳкамлашда муҳимдир, — деди Баходир.

Тадбир асносида Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси қошидаги ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув маркази кўплаб ёшлар эътиборини тортди. Куннинг биринчи ярмида олтидан зиёд ёшлар ўзлари яшайдиган туман бандликка кўмаклашувчи маркази йўлланмаси билан келиб, ўз лаёқати ва иқтидорига мос касб-хунарни танлади.

— Ўқув марказимизда ўттизта ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрланди, — дейди Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув маркази ходими Вазира Қодирова. — Ёшларни касб-хунарга ўқитиш бўйича етарли шароитларга эгамиз. Ўқув-

амалиёт хоналари, тўртта компьютер зали, учта тикувчилик, дурадгорлик, электр-газ пайвандчилик, сантехника устaxonалари мавжуд. Танлаган касбига қараб, ёшлар бир ойдан уч ойгача бепул хунар ўрганишади. Тингловчиларга стипендия берилади. Машғулотлар жадвал асосида ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Менимча, касб-хунарга иштиёқи бор йигит-қизлар учун бу ёмон имконият эмас.

Ушбу марказда касб-хунар эгаллаш истагини билдирган тенгдошларимиз орасида компьютер устаси, бухгалтерия, тикувчилик, қандолатчиликка қизиқувчилар кўплигига гувоҳ бўлдим.

«Камолот» ЁИХнинг Тошкент шаҳридаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказлари фаолияти ҳам кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Тенгдошларимиз ўз туманларидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази иши билан танишиш мобайнида тўғаракларга оид маълумотларга эга бўлишди.

— Марказимизда инглиз тили, ошпазлик, психология, бисерлик, тикувчилик, компьютер сабоқлари тўғараклари бор. Ҳар бир тўғаракда ёшлар уч ой ўқийди, — дейди «Камолот» ЁИХ Мирзо Улуғбек тумани кенгаши қошидаги ЁИХМ координатори Шаҳноза Бердиқуллова. — Инглиз тили, компьютер сабоқлари мультимедиа тарзида олиб борилади. Ўқувчилар веб-дизайн, Паскаль дастурлаш тили ва бошқа офис дастурларини ўрганишади.

Кўргазмани кузата туриб, ёшларнинг аниқ фан-

лар, муҳандислик ва тил ўргатишга ихтисослашган олий таълим муассасаларига кўпроқ мурожаат этаётганини кўрдик. Бунинг сабабини билиш учун тенгдошларимиздан бирига юзландик.

— Хорижий тилларни ўрганишга ёшлигимдан қизиқман, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Дилфуза Туронова. — Қолаверса, айни пайтда юртимизда чет тилларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу боис Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультетига ўқишга кирмоқчиман. Кўргазмада университет вакиллари билан суҳбатлашиб, тест синовлари ва ўқишга топширилаётган ҳужжатларга доир маълумотларни билдим. Юртимизда биз, ёшларга қаратиляётган эътибор, ўз келажагимизни бунёд этишимиз учун яратилаётган имкониятлар учун Президентимиздан чексиз миннатдорим.

Ўзбекистон Миллий бонига тенгдошларимизни чорлаган яна бир муҳим сабаб, шубҳасиз, пойтахтимиздаги 27 та олий таълим муассасасининг ўзидаги ихтисослик ва таълим имкониятларини тақдим этгани бўлди. Бу ҳақда тенгдошларимиз фикри, уларнинг орзу-мақсадлари билан қизиқдик.

Муроджон Нигматуллаев, Тошкент фармацевтика институти қошидаги академик лицей ўқувчиси:

— Ҳар бир тенгдошим касб танлашда ўз имконияти ва иқтидорини ҳисобга олади. Мен кимё-биологи-

яга қизиққанам боис, Тошкент давлат аграр университетида уруғчилик-селекция бўйича ўқишни кўнглимга тукканман. Чунки юртимизда аграр хўжалик кун сайин тараққий этиб, ҳаётимизга соҳа билан боғлиқ турли янгиликлар кириб келяпти. Соҳа ривожланган жойда яхши, малакали мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёж ортиб бораверади. Шу боис келгуси ҳаётимга пойдевор, жамиятда ўз ўрнимни топишимда таянч бўладиган мутахассисликни танлаганимга ишончим комил.

Алишер Мусаев, Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи битирувчиси:

— Шаҳар ёшлари учун қулай ва ҳаммамиз яхши биладиган жойда ушбу сайилни ташкил этганларга раҳмат. Очигини айтсам, бу ерга келиб, шунчалик кўп институт ва университетлар ҳақида маълумот оламан, деб ўйламагандим. Ўзим тасвирий санъатга, наққошликка қизиққанам боис, шу йўналишда профессионал билим олишни истаيمان. Миллий рассомлик ва дизайн институтига ҳужжат топширмоқчиман. Институтдаги таълим йўналишлари ҳақида тўлиқ маълумот олдим. Мен ўқишни ният қилган йўналишга кириш учун ижодий имтиҳон ҳам топширишим керак бўларкан. Бунга тайёрман. Негаки, болалигимдан ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб келаман. Энди фақат тест синовларига пухта тайёрлансам бўлди.

Билим ва хунар — ҳар бир ёшнинг икки қаноти. Ўтказилган «Мутахассислик сайли»га келган ҳар бир тенгдошимиз нигоҳида ана шу икки қанотга бўлган кучли иштиёқ, ўз келажигига бўлган юксак ишончни кўрдик. Учунчи ва тўртинчи май кунлари ўтказилиши мўлжалланган «Мутахассислик сайли» кеча гавжум бўлди. Таассуротлар бир олам. Бугун ҳам давом этадиган тадбир ана шу таассуротни икки ҳисса бойитса, ажаб эмас. Негаки, ўзига хос билимлар ва касб танлаш байрамига айланиб кетган тадбир пойтахтда таҳсил олаётган минглаб ёшларни ўзига чорламоқда.

Элмурод НИШОНОВ, Хайридин МУРОД, «Turkiston» мухбирлари. Сардор Муллажонов олган сурат

Боғбон қанчалик меҳр ила парваришласа, ниҳоллар ҳам шунчалик баланд бўй чўзаверади. Устозни ҳам боғбонга қиёслаш мумкин. Чунки шогирдининг қандай инсон бўлиб етишиши, устоз-мураббийга боғлиқ. Орамизда шундай устоз-ўқитувчилар борки, улар нафақат таълим-тарбия беришади, балки умрини илмга бағишлайди. Тарих фанлари доктори, профессор Шамсиддин Шаропов ҳам шундай заҳматкаш инсонлардан.

Қутлуғ даргоҳнинг фидойиси

Бугун профессор Ш.Шаропов ўзининг 75 ёшини куч-қувватга тўлган забардаст олим, меҳрибон устоз сифатида кутиб олмоқда. Шу муносабат билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида устоз юбилейига ва илмий-педагогик фаолиятига 55 йил тўлишига бағишланган анжуман ташкил этилди. Унда университет ректори, профессор, Олий Мажлис сенати аъзоси Ф.Муҳамедов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги бош илмий-методик марказ директори, профессор У.Бегимқулов ҳамда таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари иштирок этиб, устознинг илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолияти ҳақида гапириб ўтишди.

— Устоз 250 дан зиёд илмий ва илмий-услубий ишлар, жумладан, ўн бешта монография, тўртта дарслик муаллифидир, — дейди ЎЗМУ ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази директори Фахриддин Эсонбоев. — Устоз раҳбарлигида ўн уч киши фан номзоди ва фан доктори бўлган. У хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган конференцияларда қатнашиб, мамлакатимизнинг илмий салоҳиятини намойиш этган.

Ш.Шаропов педагог-кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ишларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ш.Шароповни ушбу қутлуғ сана билан самимий муборакбод этиб, илмий-педагогик ишларига, айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга қаратилган ҳамда илм-фан равнақи йўлидаги ижодий фаолиятига омад тилашди.



Рустам ЮСУПОВ, «Turkiston» мухбири

YON DAFTARCHANGIZGA

*Фарзанд ато қуллуғин чу одат қилгай,
Ул одат ила касби саодат қилгай.
Ҳар кимки атоға кўп риоят қилгай,
Ўғлидин анга бу иш сироят қилгай.*

Алишер Навоий

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси бошқарув институти ўқув бўлими муdiri Аропат Тошмухамедовага онаси **Шарифа ТОШМУХАМЕДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.